

Болалик кунларимда,

Уйқусиз тунларимда,

Кўп эртақ эшитгандим,

Сўйлаб берарди бувим.

Бувимнинг ҳар қиссаси,

Ҳар бир қилган ҳиссаси,

Фикримни тортар эди,

Ҳавасим ортар эди...

Шоир Ҳамид Олимжоннинг “Ойгул билан Бахтиёр” достони кириш қисмидаги ушбу мисраларни билмайдиган ўзбек ўқувчисини топиш қийин. Шоир ўзи таъкидлаганидек, болалигида “узун тунлар ётиб жим” эшитган эртақлари келгусида етук шоир бўлишига катта замин яратди. “Ойгул билан Бахтиёр”, “Симурғ”, “Зайнаб ва Омон” сингари дostonларида халқ оғзаки ижоди, болаликдан қулоққа сингган эртақлар оҳанги сезилиб туради.

Аслида ҳам китобга меҳр эртақ эшитишдан бошланади. Бола ҳали китоб ўқий олмайдиган пайтида ҳам эртақ эшитишга жуда қизиқади. Ҳатто қайси эртақ қайси китобдалигини ҳам яхши билади. Мисол учун, олти ёшли набирам китоблар орасидан Муҳаммад Юсуфнинг шеърлар тўпламини адашмай топиб келади ва “Қизғалдоқ” шеъри бор саҳифани очиб, “Моможон, илтимос шу шеърни ўқиб беринг” деб туриб олади. Бу мурғак юракда китобга, шеърга нисбатан ҳавас уйғонганини кўриб бениҳоя севинаман.

Китобни мажбурлаб ўқитиш мумкин эмас. Такрор-такрор “Китоб ўқиш керак – китоб ўқиш керак” деяверган билан бола китобхон бўлиб қолмайди. Бу жараённи болалиқдан бошлаш керак. Кўп китоб ўқиб бахт топган инсонлар ҳаётидан мисоллар келтириш, аълочи болаларни раъбатлантириш сингари турли усуллар орқали бола қалбига йўл топиш керак.

Болалигимда эртақ эшитишни яхши кўрардим. София аммам ярим тунгача айтган эртақ ва маталларнинг айримлари ҳамон ёдимдан чиқмаган. Мен эртақларда эшитган олам ниҳоятда нурли, ғоят мафтункор эди. У олам сеҳри-ла ухлаб, тушларимда давомини кўрардим. Кундузлари эса одамлар орасидан эртақ қаҳрамонларини излардим. Онам майда-чуйда солиб қўядиган сандиқ – Тоҳир дарёга оқизилган сандиқ, қўшнимизнинг доим аразлаб ўтирадиган дангаса қизи айнан Қимматнинг ўзгинаси эди, баъзи кампирлар ҳазиллашиб уни “Қиммат” деб чақирарди ҳам. “Уч оғайни ботирлар” эртагидаги Кенжа ботир ўзимнинг акам эди. У ҳалол, ростгўй, ҳеч кимдан ёрдамини аямайдиган мард йигит эди.

...Йиллар ўтди, эртақ нимаю, китоб нима эканлигини ажрата бошладим. Мен севган эртақлар ана шу китоблар қатига яширинганига ишондим. Энди тунлари аммам ва онамга ялинмасдим. Еттинчи лампанинг хира ёруғида мук тушиб китоб ўқирдим. Уларнинг айримлари эски, титилиб кетган бўлса-да, бағримга босардим, тунлар ёстиғимнинг тагига қўйиб ётардим. Унинг ҳидлари ҳам мен учун ёқимли эди.

“Бўлган воқеалар”, “Етти қарға” номли эртақ китобларни, Ойбекнинг “Болалик” қиссасини, Ҳамид Олимжоннинг “Ойгул билан Бахтиёр” достонини ўқигандаги таассуротларимни ҳамон эслайман.

Ёшим улғайиб севимли масканим – кутубхоналарга қатнаб, китоб саралайдиган бўлдим. Энди эртақлар олами эмас, катта ҳаёт, муҳаббат мавзусидаги китоблар мени ўзига тортарди. Эсимда, Ҳабиб Нўъмон деган ёзувчининг “Ёшлиқдан берган кўнгил” деган китобининг муқоваси ҳам, ўзи ҳам ниҳоятда чиройли эди. У муҳаббат мавзусида ўқиган илк китобим бўлиб, такрор-такрор мутолаа қилганман.

Ўқиган китобларимни йиғардим. Пахса деворли эски уйимизда жовон йўқлиги сабаб уларни сандиққа солиб қўярдим. Сандиқ ичида менинг шахсий кутубхонам вужудга

келганди. Бебаҳо бойлигимни ана шу тариқа тўплай бошладим.

Ҳақиқатан ҳам, китобдан ортиқ бойлик, китобдан яқин дўст, китобдан ўтадиган йўл бошловчи бўлмас экан. У нурли манзилларга, орзунинг оппоқ йўлларига етаклаб бораркан. Чекка бир қишлоқда, оддий деҳқон қизини нуфузли олийгоҳга етаклаган, аълочи талабалар сафида имтиёзли диплом олишга мушарраф қилган, Халқ ўқитувчиси деган улуғ унвон олиб берган – ана шу китоблардир. Мен улардан умрбод миннатдорман. Дунёни танитгани, бахт эшикларини кўрсатгани учун. У берган сурурни, лаззатни бошқа ҳеч нарса бера олмайди. Буни фақат уни севишдек бахтга муяссар инсонгина тушунади, ҳис қилади.

...Бугун эртақ эшитаётган бола эртага Чингиз Айтматовни, Абдулла Қодирийни, Абдулла Ориповни, Шукур Холмирзаевни ўқийди. Эртақлар орқали ўз оламини топади. Фарзандларимизга, набираларимизга эртақ айтиб беришдан чарчамайлик. Дарвоқе, эртақ айтишни биласизми?

Бўстон РАҲМОНОВА,

Ўзбекистон халқ ўқитувчиси

“Қашқадарё” газетаси сайтидан [олинди](#).